

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**БАХАДИРОВА МУНИСА АНВАРОВНА**

**ВЕРТЕБРО-БАЗИЛЯР ХАВЗАСИДА ИНСУЛЬТ УТКАЗГАН  
БЕМОРЛАРНИНГ КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ  
ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

УДК:616.98+831-005.1-08-039.76

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

**Бахадирова Муниса Анваровна**

Вертебро-базилляр хавзасида инсульт утказган беморларнинг комплекс  
реабилитациясини инновацион усуллари..... 3

**Бахадирова Муниса Анваровна**

Инновационные методы комплексной реабилитации больных с  
инсультами в вертебро-базиллярной системе..... 29

**Bakhadirova Munisa Anvarovna**

Innovative methods of complex rehabilitation of patients with strokes in the  
vertebro-basilar system..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ ..... 59

List of published works .....

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Тиб.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**БАХАДИРОВА МУНИСА АНВАРОВНА**

**ВЕРТЕБРО-БАЗИЛЯР ХАВЗАСИДА ИНСУЛЬТ УТКАЗГАН  
БЕМОРЛАРНИНГ КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ  
ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Тиб419 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tirpc.uz](http://www.tirpc.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи :

Мирджурасв Эльбек Миршавактович  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар :

Раҳимбаева Гулнора Саттаровна  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нургужаев Еркин Смагулович  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Раимова Малика Мухамеджановна  
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Этакчи ташкилот :

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 14 соат дақи мажлисида бўлиб ўтди. (Маълум: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail: [info@tirpc.uz](mailto:info@tirpc.uz))

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақамли билан рўйхатга олинган). Маълум: 100007, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «18» 11 куни тарқатилди.  
(2021 йил «18» 11 дақи \_\_\_\_\_ рақамли реестр байномаси).



Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошдаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фай доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда хар йили 20 млн инсульт ройхатдан утади, шу жумладан факат 25,4% қайта ишга тикланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) Европа ҳудудий бюроси маълумотларига қўра «...инсульт касаллигидан вафот этиш ҳолатларининг 11% инсульт билан оғриган беморларга ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини ишлаб чиқиш касаллиқнинг дастлабки биринчи ойда ўлим ҳолатларининг 20 фоизгача пасайиш ва тирик қолган беморларнинг 70 фоздан ортигини касаллик бошланганидан кейин 3 ой ўтгач қундалик ҳаётдаги мустақилликларини тавминлаш имконини беради...»<sup>1</sup> деб ҳисобланади. Ўтказилган инсультдан кейинги депрессия ўртача 33% ташкил қилиб, йўқотилган фаолиятларнинг қайта тикланиш прогнозини ёмонлаштиради, иккиламчи профилактика усулларини такомиллаштиришни талаб этади ҳамда уларнинг реабилитацияси муҳим аҳамияти бор<sup>2</sup>.

Жаҳонда инсульт билан оғриган беморларда неврологик ва психосоматик асоратларни олдини олиш ва тиббий реабилитация (қайта тиклаш) хизматларининг ташкилий сифатини яхшилаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бу борада инсульт билан оғриган беморларда неврологик ва психосоматик асоратларни ташхислаш босқичларини муқобиллаштириш, вертебро-базилляр ҳавзада ишемик инсультлар билан оғриган беморларда неврологик бузилишларнинг клиник ўзига хослигини аниқлаш, даволаш тавсифини ва тўлиқлигини асослаб бериш, инсульт билан оғриган беморлар саломатлигини қайта тиклаш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Вертебробазилляр ҳавзада ишемик инсультлар умумий, тиббий-ижтимоий реабилитацияси ва иккиламчи олдини олиш замонавий инновацион усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ИИ билан хасталанган беморларга ногиронлик кўрсаткичларини белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш, ҳаёт сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон

<sup>1</sup> ЖССТнинг 2019 йил учун ҳисоботи (9.12.2020) (<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death>)

<sup>2</sup> Стаховская Л.В. Клинические рекомендации по ведению больных с ишемическим инсультом и транзиторными ишемическими атаками / под ред. Л.В. Стаховской. – М., 2017. – 208 с.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.



Республикаси согликни саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>4</sup> Ишемик инсультларни ташхиси ва даволанишига бағишланган тадқиқотлар жаҳоннинг илгор тиббий илмий марказлари ва олий ўқув юрталарида жумладан: Hôpitaux Universitaires Paris Centre-Groupe Hospitalier Cochin, Paris, France; Sorbonne Paris Cité, Université Paris Descartes, Faculté de Médecine, Paris, France; Department of Neurology and Neurophysiology, University Hospital Freiburg, Freiburg, Germany; Spinal Cord Injury Center, Balgrist University Hospital, Zürich, Switzerland; Stanford Center for Clinical Research, Stanford University School of Medicine; Department of Orthopedic Surgery, Orthopedic Biodynamics Laboratory, University of Pittsburgh; Division of Neurosurgery and Spine Program, University of Toronto, Toronto Western Hospital, University Health Network; Department of Orthopedic Surgery, Boston University Medical Center, Boston; Mayo Clinic, Johns Hopkins Hospital, Stanford Hospitals and Clinics; Departments of Neurosurgery and Diagnostic Pathology, Tokyo University Mizonokuchi Hospital, Kawasaki, Kanagawa, Japan; РФ ССВ Н.Н.Бурденко ном. Нейрохирургия ИТИ; Тошкент Тиббиёт Академияси, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ва Республика ихтисослаштирилган шошилич тиббий ёрдам илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон Республикасида) бажарилган.

Умумжаҳон қўламида олиб борилган илмий тадқиқотлар бош мия ишемик инсульт ташхиси, даволаниши ва саломатлигининг қайта tikланишида маълум бир ижобий силжишлар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, ишемик церебрал инсультларнинг оғирлик даражасини аниқлаш мезонлари аниқлаштирилди (Harvard medical school, АКШ; Johns Hopkins Hospital, АКШ); даволаш ва реабилитация жараёнларини максимал даражада эрта бошлаш зарурати исботланди (Bonn University, Германия; РФ Н.Н. Бурденко номидаги РТФА); ишемия жойлашиши ва даражаси, шикастланган тўқима ҳажмига қўра даволаш чора-тадбирларининг турли услублари ишлаб чиқилди (РНИИТО Р.Р. Вреден номидаги РТОИТИ, Россия Федерацияси; Departments of Neurosurgery and Diagnostic Pathology, Tokyo University

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca), [www.cmm.zju.edu.cn](http://www.cmm.zju.edu.cn), [www.sggw.pl](http://www.sggw.pl), [www.uc.edu](http://www.uc.edu), [www.med.stanford.edu](http://www.med.stanford.edu), [www.meded.hms.harvard.edu](http://www.meded.hms.harvard.edu), [www.uni-corvinus.hu](http://www.uni-corvinus.hu), [www.sfu.ca](http://www.sfu.ca), [www.en.jbnu.ac.kr](http://www.en.jbnu.ac.kr), [www.unina.it](http://www.unina.it), [www.edu.unideb.hu](http://www.edu.unideb.hu), [www.universiteitiden.nl](http://www.universiteitiden.nl), [www.tau.ac.il](http://www.tau.ac.il), [www.ufac.br](http://www.ufac.br), [www.gpma.ru](http://www.gpma.ru), [www.tashprii.uz](http://www.tashprii.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Mizonokuchi Hospital, Kawasaki, Kanagawa, Japan; University of Texas MD Anderson Cancer Center, USA); ишемик инсульт билан оғриган беморлар саломатлигини қайта тиклаш усуллари такомиллаштирилди (Division of Neurosurgery and Spine Program, University of Toronto, Toronto Western Hospital, University Health Network; Department of Orthopedic Surgery, Boston University Medical Center, USA). АҚШ Инсульт Неврологик Касалликлари Миллий Институтида (National Institute of Neurological Disorders and Stroke - NINDS) ўтказилган мультимарказлаштирилган тест тадқиқоти ишемик инсульт билан оғриган беморларга тиббий-дори воситалари билан ёрдам кўрсатиш усулларини стандартлаштирилди.

Инсульт ҳолатларида ташхислаш ва даволаш стандартларини ишлаб чиқилди, тадбиқ этиш ва такомиллаштириш бўйича, даволовчи ёрдам кўрсатишнинг амалдаги стандартларининг тиббий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича (University of Wisconsin School of Medicine and Public Health, Madison, Wisconsin, АҚШ), ҳамда ушбу беморлар туркумига неврологик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги аниқланди. (National Institute of Health, АҚШ).

Жаҳон бўйича неврологик ва психосоматик асоратларни умумий реабилитация усулларини такомиллаштириш жиҳатларини тадқиқ этиш куйидаги устувор йўналишлар бўйича олиб борилади: қайта тикланиш даврида клиник-неврологик хусусиятларни ва психосоматик бузилишларни ўрганиш; инсульт касаллигининг қайта тикланиш даврида тажрибавий-психологик неврологик тестлар натижаларини таҳлил қилиш йўли билан когнитив фаолият ҳолати ва психосоматик даражани баҳолаш; нейропротектив терапияни қўллаш билан когнитив ва психосоматик бузилишларни коррекцияланишини ўтказиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда ҳар йили ишемик инсультлар 100 000 аҳоли сонига 150 та ҳолат даражасида қайд этилади, касалликнинг абсолют сони 66 000 нафар беморга стади. Замонавий тиббиёт таҳлили вертебро-базилляр тизимдаги инсультлар уларнинг ўткир даврида батафсил ўрганилганлигини кўрсатади, бироқ эрта ва кечки қайта тикланиш, ҳамда иккиламчи профилактика ва экспертиза мезонлари ишлаб чиқилган (Conte W.L., 2017). Вертебро-базилляр артериал тизим ҳавзасида ривожланган инсультлар энг кам ўрганилган ҳолатларга қиради. Вертебро-базилляр ҳавзада юзага келувчи ишемик инсультларни ўрганишга старли илмий ишлар бағишланган, бироқ ушбу патология муаммоси клиницистларни тарқалиш суръатининг ортиши ва келажақда янада кўпроқ ўсиш мойиллиги, юқори даражадаги ўлим кўрсаткичлари, унинг этиологияси ва патогенезининг мураккаблиги, ушбу беморларни босқичма-босқич кузатиб боришга оид маълумотларнинг йўқлиги, номедикомендоз реабилитация усулларининг тарқоқ ва мавжуд даволаш усуларининг старли даражада самарадор эмаслиги, ҳамда вертебро-базилляр ҳавзада юзага келувчи ишемик инсультлар муаммоси ўткир даврда ўрганилган. (Schulz U.G., 2017; Стаховская Л.В., 2017; Mantilla-García D., 2017), инсультга олиб келинган омилларни хирургик давоси самарадорлиги баҳоланган (Department of neurology Xinqiao Hospital), кон-

томир окклюзиясини биомаркерлари ўрганилган (Department of neurology, Scul of brown University, Island), эндоваскуляр терапия (Department of neurology Baiging Tifntan Hospital), тромболитиз масаллари (Molekular neurology's, Biomedicum Helsinki, Departament of clinical Neuroscience) Микро-РНК инсультни олдини олишда (Топузова М.П., 2018), мусикатерапияни реабилитацияда ишлатилиши (Э.Я.Якупов, 2017).

Жаҳонда неврологик ва психосоматик асоратларни умумий реабилитация усулларини такомиллаштириш жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: қайта тикланиш даврида клиник-неврологик хусусиятларни ва психосоматик бузилишларни ўрганиш; инсульт касаллигининг қайта тикланиш даврида тажрибавий-психологик неврологик тестлар натижаларини таҳлил қилиш йўли билан когнитив фаолият ҳолати ва психосоматик даражани баҳолаш; нейропротектив терапияни қўллаш билан когнитив ва психосоматик бузилишларни коррекциялашини ўтказиш қабилар шулар жумласидандир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг нейрореабилитация бўлими “Инсульт профилактикаси ва реабилитация усуллари” илмий-тадқиқот режасига мувофиқ мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тиббий-ижтимоий реабилитациянинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда вертебробазилар ҳавзада ишемик инсультлар умумий реабилитацияси ва иккиламчи олдини олиш масалаларини амалга оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

вертебро-базилар ҳавзада ишемик инсультлар билан оғриган беморларда неврологик бузилишларнинг клиник ўзига хослигини аниқлаш;

вертебро-базилар ҳавзада ишемик инсультларни бошдан кечирган беморларнинг когнитив бузилишлари суръатини таҳлил қилиш ва беморларни функционал қайта тиклаш;

вертебро-базилар ҳавзада ишемик инсультларни бошдан кечирган беморларда нейропротектив терапия самарадолигини аниқлаш;

вертебро-базилар ҳавзада ишемик инсультлар ҳавф омилларини ҳисобга олган ҳолда реабилитация ва иккиламчи профилактикаларнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш;

вертебро-базилар ҳавзада ишемик инсультларни бошидан кечирган беморларда касаллик якунини прогноزلаш ва беморлар реабилитация усулини танлашнинг самарадор кўпқиррали математик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йиллар давомида Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази клиникасида вертебро-базилар ҳавзада ишемик инсультлар билан оғриган 126 нафар бемор олинди.

Тадқиқотнинг предметини беморларнинг асаб ва нафас олиш



тизимлари текширувларининг натижалари, нейропсихологик ва нейровизуалитацион текширувлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик (TOAST, NIHSS, Бартел индекси, Ренкин шкаласи, B.Lindmark) нейропсихологик (MoCA, HADS), нейровизуалитацион (бош мия МРТси), нафас олиш тизими функционал ҳолатига оид маълумотлар (CAT-тест), ультратовуш доплерография натижалари, ҳаёт сифати кўрсаткичлари, статистик ва корреляцион таҳлил, ҳамда прогноزلаш усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

илк бор вертебро-базилар хавзада ишемик инсультлар билан оғриган беморларни тиббий-ижтимоий реабилитация килишининг комплекс усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор ўпка сурункали обструктив касаллиги ҳолатида вертебро-базилар хавзада ишемик инсультлар коморбид ҳолат билан оғриган беморлар тоифаси ва уларнинг ўзаро таъсири аниқланган;

илк бор вертебро-базилар хавзасида ИИ билан СУОК биргаликда коморбид бўлган беморларда фармокологик даволаш ва умумий реабилитация мезонлари аниқланган;

илк бор математик моделлаштириш асосида вертебро-базилар хавзада ишемик инсультлар якуини прогноزلаш алгоритми ишлаб чиқилган;

вертебро-базилар хавзада ишемик инсультларни бошидан кечирган беморларнинг ногиронлиниш суръатини камайтириш ва ҳаёт сифатини, ҳамда ишга лаёқатлилигини яхшилашга ёрдам берувчи реабилитация усуллари қўллаш билан такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

вертебро-базилар хавзада ишемик инсульт билан оғриган беморларнинг коморбид ҳолатида СОЎК мавжудлиги, вертебро-базилар хавзада мавжуд ишемик инсульт подтип ва ҳам анъанавий, ҳамда биз тавсия қилган реабилитация имкониятлари ўртасидаги статистик аниқ ва ишончли қонуниятлар аниқланган;

вертебро-базилар хавзада ишемик инсульт билан оғриган беморларни тавсия қилинган умумий инновацион реабилитация қиссий баҳоланган ва унинг устунлиги исботланган;

вертебро-базилар хавзада ишемик инсультнинг қайта тикланиш даврида бўлган беморларда турли хатар омиллари таъсир кучи баҳоланди ва статистик ҳисоблаб чиқилган, бу эса ўз навбатида даволаш самарадорлигини оширишган, иқтисодий ҳаражатларни камайтирган ва касаллик қайталанишини олдини олиш имконини берган;

хар бир симптомни балл билан ҳисоблаш билан вертебро-базилар хавзада ишемик инсультлар якуини прогноزلаш алгоритми ишлаб чиқилган;

жорий қилинган алгоритм асосида барча таъсир килувчи омилларини ҳисобга олиш ва касалликни тез прогноزلаш учун вертебро-базилар хавза ишемик инсулти оқибатини прогноزلашнинг компьютер дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Илмий-тадқиқот ишида замонавий усуллар ва ёндашувлар натижалари қўлланилди, улар тадқиқотда қўлланилган замонавий апробация қилинган (синовдан ўтказилган) бир бирини ўзаро тулдирувчи клиник, инструментал, лаборатор ва статистик усуллар билан тасдиқланади; беморлар сонининг старлилиги ва ўттирилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳолатларга мос келиши, тадқиқот босқичлари асосий олинган натижаларининг олинган натижаларни таққослашда ҳорижий ва маҳаллий тадқиқот натижалари билан мос келиши, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вертебро-базиляр ҳавзада ишемик инсультлар билан оғриган беморларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг комплекс усуллари ишлаб чиқилганлиги ҳамда ўпка сурункали обструктив касаллиги ҳолатида вертебро-базиляр ҳавзада ишемик инсультлар коморбид ҳолат билан оғриган беморлар тоифаси ва уларнинг ўзаро таъсири баҳолаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ИИ вертебро-базиляр ҳавзасида ва УСОК билан биргаликда дори воситалари билан даволаш ва умумий реабилитация қилиш ва вертебро-базиляр ҳавзада ишемик инсультларни бошидан кечирган беморларнинг ногиронлиги суръатини камайтириш ва ҳаёт сифатини, ҳамда ишга лаёқатлилигини яхшилашга ёрдам берувчи реабилитация усулларини қўллаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Вертебро-базиляр ҳавза ишемик инсульт билан оғриган беморларни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

вертебро-базиляр ҳавза ишемик инсульт билан оғриган беморларни реабилитация қилиш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Вертебро-базиляр тизимда ишемик инсульт билан оғриган беморлар умумий реабилитациясининг инновацион усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 12 мартдаги 8н-д/100-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, реабилитация муддатини камайтириш ва вертебро-базиляр ҳавзада ИИ олдини олиш усулларини яхшилаш имконини берган;

вертебро-базиляр ҳавза ишемик инсульт билан оғриган беморларнинг мониторинги бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Вертебро-базиляр тизими инсульт билан оғриган беморларда ИМТ ва САТ-тестлар кўрсаткичлари динамикаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 25 июндаги 8н-з/212-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома вертебро-базиляр ҳавзадаги ИИ билан оғриган беморлар реабилитациясини оптималлаштириш, вертебро-базиляр ҳавзада ИИ бирламчи ва иккитламчи профилактикасини яхшилаш имконини берган;

Вертебро-базилар хавза ишемик инсульти билан огриган беморларни даволаш ва реабилитация қилишга оид илмий тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 1-сонли клиник шифохонаси, Тошкент шаҳар 5 шифохонаси, Фаргона вилоят коғтармокли тиббий маркази, Акфамсдайн тиббий маркази амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 08-09/15217-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши коморбид касалликларни ҳисобга олган ҳолда вертебро-базилар хавза ишемик инсульти билан огриган беморларни даволаш ва профилактикасини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертацияда баён этилган асосий ҳолатлар 17 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 7 халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида марузалар қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан 2 услубий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилди.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матн материалларнинг ҳажми 178 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишларга ва диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар очиб берилган.

**«Вертебробазилар хавзада инсултлар ҳақидаги замонавий тасаввурлар. Этиопатогенез, ташхис, даволаш ва реабилитация масалалари, хатар омиллари. Ўпка сурункали обструктив касаллиги инсулт ҳолатидаги коморбид касаллик сифатида»** номли биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилади. Шарҳда вертебробазилар хавза анатом-физиологик хусусиятлари келтирилган, вертебробазилар хавзадаги ишемия тарқалганлиги даражаси, этиологияси ва патогенези, хатарлари ва сабаблари, МНТ учун оқибатларига оид замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. Вертебробазилар хавзадаги ишемиянинг клиник намоён бўлишлари ва вертебробазилар хавзадаги ишемик инсултдан (ВБХ ИИ) кейинги саломатлик реабилитацияси масалалари батафсил таҳлил қилинган. Ўпка сурункали

обструктив касаллигига ишемик инсульт ҳолатидаги коморбид касаллик сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот клиник материали ва усулларининг умумий тавсифи» номли иккинчи бобида ВБХ ИИ билан оғриган саломатлигининг қайта тикланиши даврида бўлган 50 дан 80 ёшгача бўлган (61,2±6,2) 126 нафар (60 нафар эркак ва 66 нафар аёл) беморларга асосланган клиник материал тасвирланган.

Тадқиқотда ўрганилаётган беморлар орасида 62 нафар беморда коморбид ҳолатида ЎСОК мавжуд бўлганлиги сабабли ЎСОК мавжудлиги белгиларига кўра ҳамма беморлар икки гуруҳга ажратилди. ВБХ ИИ ва ЎСОК билан оғриган беморлар – 50 дан 74 ёшгача бўлган 62 нафар (I гуруҳ) – 29 нафар эркак ва 33 нафар аёл (59,8±5,8). ВБХ ИИ билан оғриган беморлар – 64 нафар (II гуруҳ). Улардан 31 нафари эркаклар ва 33 нафари аёллар бўлиб, уларнинг ёши 50 дан 80 ёшгача бўлган (62,4±5,4).



1-расм. Беморларни жинсига кўра ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

ВБХ ИИ ўткир ва ўта ўткир босқичларида беморларнинг ҳаммаси анаъанавий даволанишда бўлган, ЎСОК билан оғриган беморлар эса ВБХ ИИ анаъанавий даволаниши билан бирга ЎСОК даволанишида бўлганлар. Иккала гуруҳларнинг таққосланиши кейинги статистик таҳлил имконини аниқлаб берувчи асосий тавсифларнинг сезиларли фарқларини аниқламади (беморлар сони, жинси ва ёши бўйича тақсимланиши).

Беморларга клиник (касаллик анамнези ва беморларнинг шикоятлари, соматик ҳолат ўрганилди), неврологик (ишемик инсультлар патогенетик подтиплари Trial of Org 10172 in Acute Stroke Treatment (TOAST), National Institute of Health Stroke Scale (NIHSS) таснифига мувофиқ аниқланди, Бартел индекси, Рэнкин шкаласи, В. Lindmark бўйича неврологик ҳолат батафсил ўрганилди) ва нейрopsихологик текширишлар ўтказилди (когнитив фаолиятларни баҳолашнинг Монреал шкаласи (MoCA), ҳамда Хавотир ва Депрессия Госпитал Шкаласи (HADS)), ЎСОК текширилди (CAT-тест (COPD Assessment Test)), церебрал гемодинамика транскраниал дуплекс сканерлаш (ТҚДС) воситасида баҳоланди, магнитли резонанс томография (МРТ) ва натижаларнинг статистик қайта ишланиши Microsoft Office Excel-2019 дастурида вариацион статистика усули ёрдамида ўтказилди.



Диссертациянинг учинчи «Вертиробазилляр хавзада ишемик инсульт билан оғриган беморлар тадқиқотнинг клиник-анамнестик ва инструментал усулларининг натижалари» номли бобида беморларни текшириш натижалари тақдим этилган. Ҳамма беморларда TOAST мезонларига мувофиқ ИИ патогенетик подтиплари аниқланди (2-расм).

Текширилаётган беморларда кўпинча инсультнинг атеротромботик (АТ) подтип кузатилиб, у 55 (43,7%) нафар беморда қайд этилди. Учраш суръати бўйича иккинчи ўринда кардиоэмболик (КЭ) подтип кузатирилган, у 39 (31%) беморларда аниқланган. Камдан кам ҳолатларда 14 нафар (11,1%) беморда аниқланган лакунар подтип ва 18 нафар (14,3%) беморда гемодинамик подтип кузатирилган.



2-расм. Иккала гуруҳ беморларни патогенетик подтип ва жинси бўйича тақсимлаш

ВБХ ИИ билан оғриган ҳамма беморлар ҳам шифохонага келиб келиб тушганда, ҳамда ўткир давр тугаб шифохонадан чиққанларида ҳам NIHSS шкаласи бўйича баҳоланди ва Рэнкин шкаласи бўйича модификация қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

NIHSS шкаласи бўйича иккала гуруҳ беморларини шифохонага келиб тушиши ва у ердан чиқишида

Гуруҳлар	Жинси	Шифохонага келиб тушгандаги бал (M±σ)	Жами баллари 4 балдан кичик бўлган беморлар сони		Жами балларни 4 балдан юқори бўлган беморлар сони		Шифохонадан чиқишдаги бал (M±σ)
			Абс	%	Абс	%	
I гуруҳ	эрк	6,23±3,45	13	21,0	49	79,0	2,78±1,92
	аёл	6,54±3,62	15	24,2	47	75,8	2,62±1,87
II гуруҳ	эрк	6,17±3,87	10	15,6	54	84,4	2,67±1,73
	аёл	6,83±3,71	11	17,2	53	82,8	2,58±1,81

Рэнкин шкаласи бўйича баҳолашда, шифохонага ётқизилиш вақтида ўртача кўрсаткичи 3,74±0,86 баллни ташкил қилди (кўрсаткич 1 дан 5 баллгача

фарк кылган); эркаларда  $3,65 \pm 0,89$  баллни, аёлларда  $3,69 \pm 0,68$  баллни ташкил килди (жинси буйича фарклар ишончли эмас,  $p=0,07$ ). ВБХ ИИ билан огриган беморларда Рэнкин шкаласи буйна шифохонага келиш ва у ердан чикиш вактида  $1,93 \pm 1,42$  баллни ташкил килди (кўрсаткич 0 дан 4 баллгача фарк кылган); эркаларда  $1,91 \pm 1,21$  балл, аёлларда  $2,11 \pm 0,92$  баллни ташкил килди (жинси буйича фарклар ишончли эмас,  $p=0,66$ ).

ВБХ ИИ турли патогенетик подтипларига эга беморларда ТМИ буйича, шифохонага келиб тушишда Рэнкин шкаласи буйича, ҳамда шифохонага келиб тушиш ва у ердан чикишда NIHSS шкаласи буйича баҳолашда ишончли фарклар аниқланмади ( $p > 0,4$ ) (2-жадвал).

Инсульт симптомларини аниқланиш вакти маълум бўлган ҳамма беморлар орасида 88 нафар беморлар (75,9%) аниқланишдан 1 дан 36 соат оралигидаги вақт муддатида шифохонага ётқизилганлар.

2-жадвал

**ВБХ ИИ турли патогенетик турлари билан огриган беморларнинг клиник-эпидемиологик тавсифи ( $M \pm \sigma$ )**

		АТ (n=35)	КЭ (n=39)	ЛА (n=14)	ГД (n=18)
Уртача ёш, йилда		$66,7 \pm 10,6$	$69,7 \pm 9,2^*$	$58,8 \pm 8,7$	$60,3 \pm 9,4$
Уртача ТМИ, кг/м <sup>2</sup>		$28,09 \pm 4,28$	$26,3 \pm 6,4$	$29,4 \pm 5,7$	$31,2 \pm 4,4$
Рэнкин шкаласи буйича баҳолаш, баллар	Шифохонага келганда	$3,75 \pm 0,91$	$4,05 \pm 0,86$	$3,77 \pm 0,53$	$3,86 \pm 1,1$
	Шифохонадан чикишда	$2,76 \pm 1,1$	$3,62 \pm 1,16^{**}$	$2,79 \pm 0,76$	$2,89 \pm 0,78$
NIHSS шкаласи буйича баҳолаш, баллар	Шифохонага келганда	$5,93 \pm 3,35$	$8,24 \pm 4,97$	$5,43 \pm 1,40$	$4,33 \pm 1,66$
	Шифохонадан чикишда	$2,52 \pm 2,15$	$2,53 \pm 2,89$	$2,31 \pm 1,11$	$2,19 \pm 1,45$

Изох: \*КЭ подтип билан огриган беморлар ЛА подтип билан огриган беморлар ( $p=0,016$ ) ва ГД подтип билан огриган беморлардан ( $p=0,026$ ) сезиларли даражада ёши катта бўлган; \*\*КЭ подтип билан огриган беморлар даволаш тугатилган вақтида Рэнкин шкаласи буйича АТ подтип беморлари ( $p=0,011$ ) ва ЛА подтип беморлари ( $p=0,041$ ) билан таққослаганда аниқ юқори баллга эга бўлганлар.

126 нафар беморларнинг ҳаммасига таъхисни тасдиқлаш учун бош мианинг МРТ ёрдамида визуаллаштирилиши ўтказилди. Нейровизуаллаш усуллари (МРТ) маълумотларига кўра, тахлил қилиниётган гуруҳларда энса соҳаси инфарктлари 51 нафар (40,5%) беморда, миёча ярим шарлари инфаркти 37 нафар (29,4%) беморда, бош миё кўприги инфаркти 32 нафар (25,4%) беморда, таламусларда 22 нафар (17,5%) беморда, чакка соҳаларнинг медиобазал бўлимларида 13 нафар (10,3%) беморда аниқланди, хар иккала гуруҳнинг 9 тадан (7,1 фонздан) беморлари бош миё тепа соҳаларининг куйи-медиал бўлимларида, миёча чувалчангида ва узунчоқ миёда, 7 нафар (5,6%) бемор эса ўрта миёдаги инфарктдан азият чекканлар. Бунда беморларнинг бир қисмида бош мианинг ВБХ томонидан қон билан таъминланувчи битта ёки иккита тузилмасининг иштироки кузатилган.

ВБХ ИИ ҳолатида кўприк инфарктлари ГД этиологияли инсульт билан огриган беморларда АТ ва КЭ подтиплари билан огриган беморлар билан

такқослаганда ишончли равишда кўпроқ кузатилган ( $p < 0,022$ ). ВБХ ИИ ҳолатида чакка қисми медиобазал бўлимлари инфаркт ҳолатлари инсултнинг барча бошқа подтиплари билан такқослаганда ишончли равишда КЭ подтипи билан оғриган беморларда кўпроқ учраган ( $p < 0,029$ ).

ВБХ ИИ беморларининг клиник-неврологик ва МРТ маълумотларини статистик қайта ишланганлигининг таҳлили таламус инфаркти ( $r = 0,53$ ), миёча инфаркти ( $r = 0,61$ ) билан оғриган беморлар гуруҳида шикастланиш ўчоғи ҳажми ва инсулт оғирлик даражасининг корреляцион боғлиқлигининг ишончли ( $p < 0,05$ ) ўртача кучи мавжудлигини, Варолиев кўприғи инфаркти ( $r = 0,23$ ) билан оғриган беморлар гуруҳида юқорида келтирилган ўлчамлар корреляциясининг йўқлигини аниқлаш имконини берди.

I гуруҳ беморларида ВБХ ИИ клиник намоён бўлишлари орасида атаксия устун бўлиб, у 35 нафар (56,5%) беморларда учраган, жумладан гемиатаксия 20 нафар (31,3%) беморда мавжуд бўлган. Оёқ-қўлларнинг нимфалажи ва фалажланишлари 31 нафар (50%) беморда аниқланган. Вертикал ҳолатдаги лиқилдоқлик, бўшлиқ (беқарорлик) каби субъектив сезгиларга шикоятлар, мувозанатнинг бузилиши 25 нафар (40,3%) беморда кузатилган. Дизартрия (ғулдираб гапириш) ҳам 25 (40,3%) ҳолатда мавжуд бўлган. Нистагм 22 (35,5%) ҳолатда, бошнинг айланма бош айланиши (вертиго) – 20 (32,3%) ҳолатда, эс-хушнинг ёмонлашиши – 21 (33,9%) ҳолатда аниқланди. Гимнанописия ва офтальмопарез каби симптомлар ҳар 14 (22,6%) ҳолатда учраган. Сезиш бузилишлари 12 нафар (19,4%), вегетатив бузилишлар – 8 нафар (12,9%) беморда, диплопия – 8 нафар (12,9%) беморда, дисфагия – 7 нафар (11,3%) беморда, афазия ва бош оғриқлари – 6 тадан (9,7 фоиздан) беморда, дисфония – 7 нафар (11,3%) беморда, чалкашлик ва кўрув агнозияси – 4 тадан (6,5 фоиздан), нафас олишнинг бузилиши 3 нафар (4,8%) беморда аниқланган. Шу билан бирга 2 тадан ҳолатда (3,2 фоиздан) амнезия, игнорлаш (эйтиборсизлик) синдроми ва генераллашган қувватсизлик хислари мавжуд бўлган.

II гуруҳ беморлари орасида қўл-оёқларнинг нимфалажлари ва фалажлари устун бўлган, улар 37 нафар (57,9%) беморда аниқланган. Дизартрия – 30 (47%) ҳолатда, нистагм – 23 (35,9%) ҳолатда, сезувчанлик билан боғлиқ бузилишлар – 19 (29,6%) ҳолатда қайд этилган. Атаксия 26 нафар (40,6%) беморда, жумладан гемиатаксия – 7 нафар (10,9%) беморда аниқланган. Вертикал ҳолатдаги лиқилдоқлик, бўшашганлик (беқарорлик) каби субъектив сезгиларга шикоятлар, мувозанатнинг бузилиши 20 нафар (31,2%) беморда кузатилган. Эс-хушнинг ёмонлашиши ҳам 17 (26,6%) ҳолатда аниқланди. Бош айланиши (вертиго) – 13 (20,3%) ҳолатда, диплопия – 11 нафар (17,2%) беморда аниқланди. Офтальмопарезлар ва гемианописия каби симптомлар ҳар 12 ҳолатда (18,7 фоиздан), чалкашишлик – 8 ҳолатда (12,4 фоиздан), вегетатив бузилишлар – 9 нафар (14,1%) беморда, кўрув агнозияси ва бош оғриғи – ҳар 8 ҳолатда (12,5 фоиздан), игнор синдроми ва дисфагия – ҳар бештадан беморда (7,8 фоиздан) қайд этилган. Синкопе ҳолати, худди амнезия каби 2 нафар беморда (3,2 фоиздан) кузатилди, касалликнинг илк бошланишида эпилепсия хуружлари 1 ҳолатдагина (1,6%) ўрин олган.

ВБХ ИИ ЛА подтипи билан оғриган беморларда оёқ-қўллар нимфалаж ва фалажнинг учраш суръати ИИ ГД подтипи билан оғриган беморлар билан таққослаганда аниқ равишда камроқдир ( $p=0,045$ ). ВБХ ГД этиологияли ИИ билан оғриган беморларда атаксиянинг учраш суръати КЭ подтипи ( $p=0,003$ ) билан, АТ подтипи ( $p=0,017$ ) билан ва ЛА подтипи ( $p=0,009$ ) билан оғриган беморлар билан таққослаганда аниқ юқоридир. ВБХ ИИ АТ подтипи билан оғриган беморларда вертикал холатдаги ликилдоқлик, бўшашганлик (бекарорлик), мувозанатнинг бузилиши ИИ ЛА подтипи билан оғриган беморлар билан таққослаганда аниқ юқоридир ( $p=0,038$ ). ВБХ ИИ КЭ подтипи билан оғриган беморларда вертикал холатдаги ликилдоқлик, бўшашганлик (бекарорлик), мувозанатнинг бузилишининг учраш суръати ГД этиологияли инсульт билан оғриган беморлар билан таққослаганда аниқ пастдир ( $p=0,019$ ). ВБХ ГД этиологияли инсультлар билан оғриган беморларда вертикал холатдаги ликилдоқлик, бўшашганлик (бекарорлик), мувозанатнинг бузилишининг учраш суръати ЛА подтипи билан оғриган беморлар билан таққослаганда аниқ юқори ( $p=0,009$ ). ВБХ ИИ КЭ подтипи билан оғриган беморларда вертигонинг учраш суръати ГД инсультлари билан таққослаганда аниқ пастдир ( $p=0,028$ ).

ВБХ АТ ИИ билан оғриган беморларда кўзни ҳаракатлантирувчи мускуллар нимфалажнинг учраш суръати ГД инсультлари билан оғриган беморлар билан таққослаганда аниқ пастдир ( $p=0,035$ ). ВБХ АТ ИИ билан оғриган беморларда вегетатив бузилишлар учраш суръати ГД инсультлари билан оғриган беморлар билан таққослаганда аниқ пастдир ( $p=0,028$ ). ВБХ АТ ИИ билан оғриган беморларда игнорлаш синдромининг учраш суръати КЭ подтипи билан оғриган беморлар билан таққослаганда аниқ пастдир ( $p=0,029$ ).

АТ ИИ билан оғриган беморлар гуруҳида шифохонага келтириш вақтидаги NIHSS шкаласи бўйича баллар йиғиндиси, ҳамда оёқ-қўл нимфалаж ва фалажлари ( $r=0,53$ ), дизартрия ( $r=0,54$ ), эс-хушнинг ёмонлашишларининг ( $r=0,61$ ) учраш суръати ўртасида аниқ ( $p<0,05$ ) ўрта кучдаги тўғридан-тўғри корреляцияси аниқланди; шифохонага ётқизиш вақтида NIHSS шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва вертиго учраш суръати ўртасидаги аниқ ( $p<0,05$ ) ўрта кучдаги карама-қарши корреляция аниқланди ( $r=-0,54$ ). АТ ИИ билан оғриган беморлар гуруҳида даволаш якунига етган вақтдаги NIHSS шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва вертиго учраш суръати ўртасида ўрта кучдаги карама-қарши аниқ ( $p<0,05$ ) корреляция қайд этилди ( $r=-0,41$ ). АТ ИИ билан оғриган беморларнинг яна шу гуруҳида шифохонага келтирилиш вақтидаги Рэнкин шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва дизартрия ( $r=0,48$ ) учраш суръати, эс-хушнинг ёмонлашиши ( $r=0,51$ ) ўртасида ўрта кучдаги аниқ ( $p<0,05$ ) тўғридан-тўғри корреляция аниқланди. КЭ ИИ билан оғриган беморлар гуруҳида NIHSS шкаласи бўйича госпитализация қилинган вақтдаги баллар йиғиндиси ва оёқ-қўллар нимфалажи ва фалажи ( $r=0,55$ ), дизартрия ( $r=0,58$ ), эс-хуш ёмонлашишининг ( $r=0,57$ ) учраш суръати ўртасида аниқ ( $p<0,05$ ) ўрта кучдаги тўғридан-тўғри корреляция қайд этилди. Шу билан бирга аниқ ( $p<0,05$ ) ўрта кучдаги тўғридан-тўғри корреляция даволаш якунига етган вақтдаги NIHSS шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва дизартрия учраш



суръати ўртасида аникланди ( $r=0,67$ ). Ҳамда госпитализация вақтида Рэнкин шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва дизартрия ( $r=0,64$ ), эс-хуш ёмонлашишининг ( $r=0,62$ ) учраш суръати ўртасида ўрта кучдаги тўғридан-тўғри корреляция қайд этилди; госпитализация вақтида Рэнкин шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва гемиатаксия ўртасида аник ( $p<0,05$ ) ўрта кучдаги қарама-карши корреляция, даволаш якунига етган вақтда Рэнкин шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва оёқ-қўллар нимфалажи ва фалажининг учраш суръати бўйича аник ( $p<0,05$ ) ўрта кучдаги тўғридан-тўғри корреляция аникланди ( $r=0,60$ ); даволаш якунига етган вақтда Рэнкин шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва атаксия ( $r=-0,62$ ), гемиатаксия ( $r=-0,64$ ), вертиго ( $r=-0,52$ ) учраш суръати ўртасида аник ( $p<0,05$ ) ўрта кучдаги қарама-карши корреляция аникланди.

ГД инсультлар билан оғриган беморлар гуруҳида ёш ва эс-хуш ёмонлашиши ўртасида аник кучли тўғридан-тўғри корреляция ( $r=0,81$ ), ТМИ ва бўшашганлик, беқарорлик, мувозанатнинг бузиллиши ( $r=-0,82$ ) ва диплопия ( $r=-0,84$ ) ўртасида аник ( $p<0,05$ ) кучли қарама-карши корреляция қайд этилди. ГД инсультлар билан оғриган беморларнинг ушбу гуруҳида госпитализация вақтида NIHSS шкаласи бўйича баллар йиғиндиси ва оёқ-қўлларнинг нимфалажи ва фалажининг учраш суръати ўртасида аник кучли тўғридан-тўғри корреляция қайд этилди ( $r=0,84$ ).

Шу таразда, биз ўпка сурункали патологиялари мавжуд бўлмаган беморлар билан таққослаганда касаллик янада оғир кечишини тахмин қилишимиз мумкинлигини ва ЎСОК мавжудлиги ҳолатида ВБХ ИИ билан оғриган беморларни кучайтирилган реабилитациясини ўтказиш кераклиги зарур деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг тўртинчи «Эрта ва кечки реабилитация даврида ўтказилаётган нейрореабилитация усулидан келиб чиққан ҳолда вертебробазилляр ҳавзада бош миёна қон айланишининг ўткир бузилиш клиник кечишининг динамикаси» номли бобида ВБХ ИИ билан оғриган беморларнинг эрта ва кечки реабилитация давридаги ҳолатлари тасвирлаб берилган. Ia ва IIa кичик гуруҳларига I ва II гуруҳларнинг 30 нафардан беморлари киритилди, мувофиқ ҳолда Ib гуруҳига ВБХ ИИ ЎСОК билан оғриган 32 нафар бемор, IIb гуруҳига эса – ВБХ ИИ билан оғриган 34 нафар бемор киритилди.

«А» кичик гуруҳидан бўлган беморлар асосий ва диферентланган даволаш асосида анъанавий даволанишда бўлганлар, уларга массаж (ўқаланиш) ва одатий даволовчи физиотерапия ўтказилган. I гуруҳда ЎСОК терапияси катта аҳамиятга эга бўлган, ҳамда асосий эътибор САТ-тестга ва бошқа кўрсаткичлар билан паралель равишда консультант-пульмонолог ҳулосасига қаратилди.

ВБХ ИИ бошдан кечирган беморлар реабилитациясининг самарадорлигининг таҳлили томир катастрофасидан кейин 3 ва 6 ойдан кейин ўтказилган ва у ВБХ ИИ ўткир даври якуний рақамлари билан таққосланган, бунда улар бошланғич кўрсаткичлар сифатида қабул қилинган.

Реабилитациядан кейин 3 ой ўтгач I гуруҳ беморларида атаксия, оёқ-қўлларнинг нимфалажи ва фалажи билан бир қаторда 24 нафар (38,7 фоиздан) беморда, дизартрия 19 нафар (30,6%) беморда, гемианопсия 11 нафар (17,7%) беморда қайд этилди, мувозанатнинг бузилиши 14 нафар (22,6%) беморда мавжуд бўлган. Нистагм, бош айланиши (вертиго) ва сезувчанликка оид бузилишлар 8 тадан ҳолатда (12,9 фоиздан), вегетатив бузилишлар ва узлуксиз равишдаги бош оғриқлари ҳар 4 нафар беморда (6,5%), дисфагия, афазия ва дисфония – ҳар 3 нафар (4,8%) беморда аниқланган.

